

Б.Я.Ҳамрохўжаев

Манзара устида ишлаш



Наманган - 2010 йил

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
Вазирлиги**

Наманган давлат университети

“Тасвирий санъат” кафедраси

Баҳтиёр Ҳамроҳўжаев

МАНЗАРА

устида ишлаш

(услубий қўлланма)

**5140700- тасвирий санъат ва муҳандислик
графикаси йўналиши махсус сиртқи таълим
талабалари учун**

Наманган

2010

Б.Ҳамроҳўжаевнинг “Манзара устида
ишлаш” услубий қўлланмаси
Наманган давлат университети
услубий кенгашида муҳокама
қилинган ва нашр этишга тавсия
этилган (Баённома № 2010
йил)

Масъул:

Алижон Турдалиев Педгогика
фанлари номзоди, доцент.

Мухаррир:

Мўминжон Сулаймонов
Ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси
доценти, филология фанлари
номзоди

Тақризчилар:

Бадриддин Орипов
Педгогика фанлари номзоди, доцент

Асқарали Акпаров
ЎзБА Ижодкорлар уюшмаси вилоят
бўлими раиси академик

*Мазкур услубий қўлланма 5140700-тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
йўналиши махсус сиртқи таълим талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек, қўлланмадан
умумтаълим мактаблари педагогик йўналишидаги коллежлари тасвирий санъат
ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.*

КИРИШ

Таълим соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар таълимни янада ривожлантириш, унинг даражасини замонавий босқичга кўтаришдан иборат. Бу борада тасвирий санъатнинг ўрни ҳам бениҳоят каттадир. Зеро, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда эстетик дидни шакллантириш бевосита тасвирий санъат таълимининг ҳам асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Тасвирий санъат асарлари кишиларнинг ҳис-туйғуларига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига эгадир. Айниқса, манзара асарларини томоша қилиш билан инсонлар, унда тасвир этилган гўзалликни кўриб, қалбларига гўзаллик кириб боради, табиатга меҳр-муҳаббати ортади.

Тасвирий санъатнинг манзара жанри асарларида она-юртнинг гўзал ва бетакрор, улуғвор ҳамда эпик образи гавдаланади. Манзара асарлари инсон руҳиятига таъсир кўрсатиб, маънавий озуқа бериш билан бирга, она-юртнинг моддий бойликларни асраб-авайлашга ўргатади, уларни авлодларга бекаму-кўст етказиш зарурлиги ғоясини сингдиришга хизмат қилади. Шу маънода ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда манзара асарларининг аҳамияти каттадир.

Қўлланма асосан 5140700 - “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” йўналиши талабалари учун тайёрланган. Улар бу қўлланмадан назарий ва амалий-ижодий ишларни тайёрлашда фойдаланадилар.

Қўлланмада манзара чизишнинг назарий асослари: манзарада перспектива, композиция, ранг, ритм, колоритнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз боради. Қўлланманинг иккинчи қисмида эса манзара чизиш бўйича амалий тавсиялар берилди, яъни очиқ ҳавода манзара чизишнинг хусусиятлари, ижодий манзаралар чизиш ва шунингдек, машҳур манзарачи рассомлар ҳақида маълумотлар берилди, ҳамда манзарага оид таянч иборалар ҳам илова қилинди. Қўлланмадан тасвирий санъат йўналишида таълим олаётган талабалар ва тасвирий санъат ўқитувчилари ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

I Бўлим. Манзара чизишнинг назарий асослари

1-§ Манзара жанри хусусида

Барча санъат турларида бўлгани каби тасвирий санъат ҳам, (рангтасвир, қаламтасвир, ҳайкалтарошлик) ўз ичида ҳар хил жанрларга ажралади. Жанрларга ажратиш рангтасвирда яққолроқ кўзга ташланади. Тасвирий санъат асарларини жанрларга ажратишда, одатда, расмда нима тасвирланганлиги асос қилиб олинади. Шунга кўра, рангтасвир асарларини *пейзаж* (табиатни тасвирлаш), *натюрморт* (нарс-буюмлар тасвири), *портрет* (инсон тасвири), *сюжетли-мавзули картина* (ҳаётий воқеаларни тасвирлаш) каби жанрларга ажратиш мумкин. Тасвирий санъатнинг қаламтасвир (графика) тури ҳам шу тарзда жанрларга ажратилади.

“Пейзаж” французча сўз бўлиб “табиат” деган маънони англатади. Тасвирий санъатда табиатни реал ёки ҳаёлий кўринишларини акс эттиришга бағишланган асар *пейзаж* ёки *манзара* дейилади. Манзара қаламтасвир ёки ҳайкалтарошликда ҳам яратилиши мумкин. Бироқ, манзара жанрининг имкониятлари рангтасвир санъатида ҳар томонлама, тўлалигича ўз ифодасини топади.

Манзара жанрининг пайдо бўлиши жуда узоқларга бориб тақалади. Манзара тасвирларининг кенг тарқалишини қадимги Шарқ давлатлари ҳудудида ва Крит оролларида олиб борилган археологик қазишмаларда топилган буюмлар мисолида кўриш мумкин.

Табиат манзараларини акс эттириш Хитой рассомлик санъатида VI асрда пайдо бўлган. Европа санъатида манзара жанри мустақил жанр сифатида XVII асрдан бошлаб ривожланди. У, айниқса, голланд рангтасвир санъатида кенг тарқалди. Шунини қайд этиб ўтиш керакки, то XVII асргача табиат манзараси кўринишлари фақат мавзули сурат ёки портретлар учун фон вазифасини ўтаган. Манзара жанри мустақил жанр сифатида шаклланган бўлса-да, унда баъзан инсон образини ҳам учратиш мумкин. Бироқ, манзара композициясида инсон тасвири, шунингдек, кичик воқеавий саҳналар ҳал қилувчи роль ўйнамайди, балки манзарани тўлдириш, тасвирнинг жонли чиқиши учун хизмат қилади. Камил Коронинг “Пичан ташиш”, А.Пластовнинг “Биринчи қор”, Ў.Тансиқбоевнинг “Иссиқкўл оқшоми” картиналарида шу ҳолни кузатиш мумкин.

Тасвирий санъат асарларида, жумладан, манзара жанрида яратилган асарларда рассомнинг борлиқдан олган таассуротлари, воқеаликка ғоявий-ҳиссий муносабати ҳам акс этади. Табиат манзаралари тасвирида рассомнинг дунёқараши, табиатни идрок этишининг ижтимоий-тарихий, миллий ва услубий хусусиятлари ўз ифодасини топади. Шунга кўра, машҳур рассомларнинг асарларида манзара мотивларининг улуғвор-романтик Шишкиннинг “Ўрмон узоқликлари” картинаси), лирик (А.Саврасовнинг “Қора қарғалар учиб келди” картинаси) ёки ижтимоий-фалсафий (И.Левитаннинг “Мангу уйқуда” картиналари) талқинларини учратиш мумкин.

Пейзаж жанри ўзининг ички бўлиниши – жанр кўринишларига ҳам эга бўлиб, булар *қишлоқ манзараси, шаҳар манзараси, индустриал пейзаж* ва *пейзаж-марина* кўринишларида бўлиши мумкин.

2-§ Манзара чизиш жараёнида перспектива

Манзара ишлаш техникасини эгаллаш бўлажак рассомдан жуда катта қунт ва меҳнатни талаб қилади. Кузатувчидан табиат манзараларини катта масофа ажратиб туриши, ёруғлик ва соя рефлексларининг хилма-хиллиги ва кўплиги, ёруғ-сояларнинг тез ўзгарувчанлиги, об-ҳаво ва фаслларнинг ўзгариши – буларнинг барчаси манзара ишламоқчи бўлган рассом меҳнатини қийинлаштиради. Шунингдек, қизиқарли мотивларни пайдо бўлишига олиб келади ҳам.

“Перспектива” сўзи латинчада “аниқ кўраман” маъносини англатади. Тасвирий санъатда перспектива қисқариш ҳамда нарсаларнинг кузатувчидан узоқлашган сари ўзгариб бориши маъносида ишлатилади. Перспектива рассомга манзарани натурада қандай кўрилса, картинада шунга мос тасвирлаш имконини беради. Перспектива қоидаларини ўзлаштириш манзара чизиш жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Пейзаж асарларининг муваффақияти уларда тасвирланган предметларнинг ўзаро уйғун ўлчовларда акс эттирилишига ҳам боғлиқ, албатта. Бунинг учун бўлажак рассом натурадиқ билан кузатиши, нарса ва буюмлар, жонивор-ларнинг бир-бирларига нисбатан ўлчовларини, уларнинг уфқ чизиғига нисбатан жойлашиши каби жиҳатларини тасвирлаш билан уларда манзара чизиш малакаси шаклланиб боради.

Перспектива уфқ чизиғи билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Уфқ чизиғи дейилганда осмон билан ерни ажратиб турадиган чизик тушунилади. Уфқ чизиғи рассомликда кузатувчининг ёки расм чизувчининг кўзи баландлигида тасаввур этиладиган эпик (горизонтал) суврат текислигига ёндош (параллел) чизикдир. Уфқ чизиғи одатда тасвирланадиган манзаранинг мазмунидан келиб чиқиб белгиланади. Уфқ чизиғини қоғоз бетига уч хил: қоғоз бетининг юқорисидан, ўртасидан, пастидан ўтказиш мумкин. Бу, асосан, кузатувчи эгаллаб турган кўриш нуқтасига боғлиқ бўлади.




Перспективанинг чизикли перспектива, ранг перспективаси ва ҳажм перспективаси кўринишлари мавжуд. Чизикли перспективанинг муҳим томони шундаки, у нарса ва буюмларнинг кузатувчига нисбатан ўз шакли ва ўлчовларини ўзгартириб боришини ифодалайди. Нарсалар кузатувчидан узоқлашиб борган сари уларнинг ўлчовлари кичрайиб боради. Аксинча, кузатувчига яқин-лашган сари нарсаларнинг ўлчовлари ҳам каттароқ кўринади. Перспектив қисқаришни қоғозда тасвирлашда қуйидаги қоидага амал қилинади. Биринчидан, кузатувчига яқин турган манзара қоғоз бетининг пастки қисмида тасвирланади ва аксинча, кузатувчига нисбатан узоқда кўринадиган нарсалар қоғоз бетининг юқори қисмига жойлаштирилади. Кузатувчига нисбатан жуда узоқда ҳам, яқинда ҳам жойлашмаган объектлар қоғоз бетининг ўртасида тасвирланади (1-расм). Перспектив қисқаришни қоғозда акс эттириш кўриш нуқтасига нисбатан олинади. Кўриш нуқтасидан хаёлан чиқарилган чизиклар манзаранинг юқориси ва пастки қисмидан ўтказилади (2-расм). Манзарадаги бошқа пред-метларнинг перспектив қисқаришини белгилашда кўриш чизиғини ўзгартирмаслик талаб қилинади. Худди шу усулда ҳар қандай нарсаларнинг расмини перспектив қисқариш қоидасига кўра ишлаш мумкин. Перспектив қисқариш усулида нарсаларнинг ўлчовларини ҳақиқатга яқин ва тўғри акс эттириш мумкин бўлади.

Манзара чизиш жараёнида ёруғ-соялар ва ранглар муносабатини кузатиш, ҳар бир кўринишнинг хусусиятларини идрок этиш билан чегараланиб қолмай, натурани яхлит ҳолда кўра олиш малакасини ҳам шакллантириш зарур. Манзара рангтас-вирида бир вақтнинг ўзида барча манзарани кўра олиш, олдинги, ўрта ва орқа планни яхлит кўриш майдони сифатида идрок этиш зарур бўлади. Манзарадаги турли ҳолатда жойлашган манзарани алоҳида эмас, яхлит бирликда, бир-бирига боғланган битта асар сифатида идрок этиш муҳимдир.

Рассом ранг перспективаси хусусиятларини ҳам пухта ўзлаштириши талаб этилади. Ранг перспективаси деганда борлиқдаги барча нарсалар киши кўзидан узоқлашиб борган сари ўз рангини ўзгартириши тушунилади. Биздан узоқлашган сари нарсалар ҳавога “сингиб” бораётгандек кўринади. Агар предмет аниқ белгилари билан тасвирланса, у бизга яқин тургандек таассурот туғилади. Предмет белги-хусусиятларининг хирала-шиши эса уни биздан узоқлаштиради. Олдинги планда жойлашган нарсалардаги ёруғ-сояларнинг кескинлиги кузатилади. Туман, чанг ёки тутун билан қопланган жойдаги нарсалар кўриниши хиралашади. Узоқлашган сари нарсаларнинг ранги ҳаворангга мойиллашиб боради, уларнинг рангидаги фарқлар камайиб боради.

Шунингдек, манзара ишлаш жараёнида ҳажмлилик ёки ёруғлик перспективасини ҳам эътиборга олиш зарур. Нрсалар ёруғлик манбаидан узоқлашган сари ўзининг ёрқинлиги, ранги, шакли аниқлигини йўқота боради. Барча нарсалар биздан узоқлашган сари ёки унга нур ёруғлик тушган сари шакл ва ранг аниқлашиб, манзаранинг ҳажмли кўриниши аниқлашади. Ёруғлик перспективаси, айниқса, окшом манзараси тасвирланган карти-наларда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Масалан, У. Тансиқбоев-нинг “Тоғ қишлоғи” картинасида манзараларнинг барчаси қуёш-нинг кечки нурларига чулғанган ҳолда, кўкиш рангда тасвирланган ва шаклдаги аниқлик реал ранг йўқолиб борган.

Шу боис талабалар мустақил ишлар бажариш жараёнида перспектива қоидаларига амал қилиш билан бирга тасвирий санъат асарларини кузатиши ҳамда ўзи чизган суратларни таҳлил қилиб бориши яхши самара беради.



1-рasm
перспектива

3-§ Манзарада композиция

“Композиция” сўзи латинча compositio сўзидан келиб чиққан бўлиб, қисмларни маълум бир тартибда жойлаштириш деган маънони англатади. Тасвирий санъат асаридаги композиция картинада тасвирланган барча элементларнинг рассом ғоясига мувофиқ жойлаштирилишини билдиради. Томошабин эътиборини жалб қилиш ва уни ҳаяжонга солиш учун рассом тасвирлашнинг кучли ифода воситаларини излаб топишга ҳаракат қилади. Ўз мақсадини ифодалашда барча ортиқча нарсаларни чиқариб таш-лайди, иккинчи даражали нарсалар асосига бўйсундирилади. Мато сирти, ўлчами кўзланган мақсад ёки кўриш нуқтаси, уфқ чизиғини белгилаш, ранг бериш, композиция марказини белгилаш - буларнинг барчаси композициянинг элементлари сифатида хизмат қилади. Манзара асарининг мазмуни, танланган мотивнинг ҳаётий-лиги картинанинг композицион қурилиши билан юзага чиқади. Манзара мотивларини танлаш, композицион уйғунликни топа билиш ҳар бир рассомнинг ўзига хос ижодий дид ва майлига боғлиқ бўлади. Манзара этюдларини ишлаш билан аввало ком-позициянинг дастлабки деталлари - олдинги, ўрта ва орқа планни танлашдан бошланади. Бунда кўриш нуқтасини, қоғоз ёки мато ўлчамини белгилаб олиш муҳимдир. Манзара этюди композициясида осмон, ер ва бошқа кўринишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни топишга ҳам эътибор бериш керак.

Тасвирланаётган образнинг таъсирчанлиги танлаб олинган натуранинг қизиқарли томони билан ҳам белгиланади. Шунинг учун рассом натуранинг энг таъсирли жиҳатларини топа билиши, бунинг учун натурани ҳар хил ҳолатларда, куннинг турли вақтларида диққат билан кузатиши керак. Зарур уфқ чизиғини белгилаш, ўнг ва чапдан, яқин ва узоқдан қараб, шундай бир нуқтаи назарни - кўриш нуқтасини топиш керакки, токи натура ўзининг ифодавийлиги билан рассом ниятини оптимал даражада амалга ошириш учун хизмат қилсин.

Картинада барча нарса рассомнинг истагини, ғоясини ифодалашга бўйсундирилади. Композициянинг мукамаллиги асосий манзара кўринишларнинг иккинчи даражалиларидан фарқлай олишда кўринади. Ҳар бир деталь ўз ўрни ва мазмуний вазифасига эга. Композициядаги иккинчи даражали, унча муҳим бўлмаган нарсалар дарҳол кўзга ташланмаслиги, асосий кўринишга алоҳида урғу берилиши керак. Асосий манзара картинада алоҳида диққат ва эътибор билан ифодаланиши зарур. Биз атрофни кузатганимизда кўп

ҳолларда битта муҳим деб ҳисоблаган нарсамизга диққат билан қараймиз. У бизнинг кўриш майдонимиздаги марказга жойлашган бўлади, унинг майда-чуйда белгиларигача эътибори-миздан четда қолмайди. Кўриш марказидан четда турган бошқа нарсалар эса умумий тарзда, яхлит ҳолда қабул қилинади. Карти-нанинг композицион қурилиши кўп жиҳатдан инсоннинг кўриш сезгисига ана шу ўзига хосликка асосланади. Рассом картинада асосий манзарани ранг, тус, шаклининг аниқлиги билан ажратиб кўрсатиши лозим.

Картинада мувозанатни сақлаш учун рассом натурани кузатиш жараёнида зарур ракурсни белгилаб олиши керак. Акс ҳолда тасвир ҳудди бир тарафга оғиб кетаётгандек, картинанинг бир томони бўш қолгандек таассурот бериши мумкин. Мувоза-натни сақлаш тасвирланаётган манзара кўринишларининг миқдори ва қандай жойлашганлиги билангина эмас, балки уларнинг ранг-туси билан ҳам боғлиқ. Картинанинг бир томонидаги ёрқин ранг-ларни иккинчи томонида ҳам маълум бир ҳолатда қўллаш керак ёки картинанинг бир томонига алоҳида эътибор бериб, бошқа томонини биров назардар қолдириш ярамайди.

4-§ Манзара чизиш жараёнида ранг хусусиятларидан фойдаланиш

Рангтасвирнинг энг асосий ифода воситаси - бу ранг. Ранглар рангтасвир асарига тасвирий санъатнинг бошқа турларига қиёслаганда алоҳида ҳаётийлик бағишлайди, тасвирнинг тўлаллиги ва ишончлилигини таъминлайди. Рассомнинг ғоявий мақсади ҳамда тасвир жараёнидаги кайфиятига мувофиқ равишда манза-рада ранглар ёрқинлашиши, нур ва ҳаво етакчилик қилиши, бу орқали тасвир жараёнида рассом руҳий ҳолатидаги кўтаринкилик, ҳаётсеварлик ва келажакка ишонч туйғуларига ишора қилиниши мумкин. Ёки аксинча, совуқ ранглар орқали тушкун кайфият, безовталиқ кабилар ифодаланган бўлади. Рангнинг асосий хусу-сиятлари унинг ёрқинлиги (оч-тўқлиги) туси ва тўйинганлиги билан белгиланади.

Ранг борасида гап кетганда бир нарсани унутмаслик керак — соялар ҳам рангли бўлади. Бунда рассом бир рангнинг нур ва соя

ҳисобига тусланишини кўра олиши ва шунга мувофиқ акс эттира билиши керак бўлади (валёр рангтасвири). Шунингдек, манзарада рефлекслардан фойдаланиш – тасвирланаётган предметнинг бошқа буюмларнинг ёруғлиги ёки ранги таъсирида ўзгаришини тўғри белгилаш ва акс эттириш ҳам муҳимдир. Бу эса манзаранинг рангдорлигини таъминлайди

Манзара рангтасвирида ҳар бир ранг суртмасига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Манзарани профессионал даражада маҳорат билан ишлаш ундаги ранглар муносабатини реал ҳолатини натурада кўрилганидек тасвирлай олиш билан белгиланади. Манзара ишлаш жараёнида рангларнинг ўзаро муносабатини ҳис қилиш ва акс эттириш малакасини ҳосил қилиш учун манзара кўринишларининг ёруғ-соя таъсиридаги ўзгаришларини зарурий пландаги кўринишларда кузатиш, ўзаро қиёслаш яхши самара беради.

Натурадаги манзараларнинг кўриниши уларнинг ёритилиш даражаси ва бошқа манзаранинг соялари таъсирида ҳам ўзгаради. Тонгда натура сариқ-олтин рангида кўринади, ой нурида кулранг-мовий рангга, булутли кунда эса тўқроқ кумуш рангига киради. Ўрмонда ҳамма нарса илиқ яшил рангга мойил бўлади.

Манзара чизиш жараёнида рангтасвирнинг пластик воситаларидан ҳам фойдаланилади. Бунинг учун натурадаги ранглар динамикасини диққат билан кузатиш зарур. Шундагина ёруғ ва соя доғларининг картина бўйлаб тарқалишидаги табиийликка, асарнинг жонли ва таъсирли чиқишига эришиш мумкин бўлади.

Умуман, тасвирий санъат асарини идрок қилишдаги ўзига хосликдан келиб чиқилса, тасвирий санъат асари, энг аввало, алоҳида қисмлари орқали эмас, балки бир бутунича идрок этилади, шундан сўнг секин-аста картинадаги қисмларга, деталларга эътибор қаратилади. Шунга кўра, рангтасвир асарида биринчи навбатда кўзга ташланадиган, томошабин диққатини жалб қиладиган жиҳат ранг ундаги колоритидир.

Колорит манзара чизиш жараёнидаги рассом эътибор қаратиши лозим бўлган энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Колорит деганда тасвирий санъат асаридаги рангларнинг ўзаро уйғунлиги ва бирлиги тушунилади. Колорит рангтасвирдаги бадиий образнинг эмоционал ифодавийлигини таъминлайдиган муҳим воситаларидан бири бўлиб, рангларнинг ўзаро уйғунлигига кўра у илиқ ёки совуқ, ёруғ ёки хира бўлиши, шунингдек, хотиржамлик ёки безовталиқни ифодалаши мумкин.

Манзара чизиш жараёнида кўпинча ва айниқса бошловчи рассомларга предметнинг ранги ҳақида илгаридан шаклланиб қолган тасаввурлар ҳалақит бериши мумкин. Предмет қандай ёруғлик муҳитида жойлашганига қарамай, унинг ранги ҳақида илгаридан шаклланган тушунча хотирада сақланиб тураверади. Натижада тажрибасизроқ рассомлар этюд ишлаш жараёнида жиддий хатога йўл қўядилар манзара кўринишини илгаридан шаклланган тасаввурларига кўра тасвирлайдилар. Масалан, майса-ларнинг ранги кузатувчидан узоқлашиши, шунга мувофиқ равишда муҳитнинг ўзгаришига ўзгаришини ҳисобга олмасдан бирдек яшил рангда тасвирлайверадилар.

Манзара чизишдаги муҳим жиҳатлардан яна бири картинада об-ҳавони, фаслни, куннинг турли вақтлардаги ҳолатларини тасвирлай олишдир. Бу нарса картинада умумий тус ва ранг кайфиятини бера олиш дейилади. Табиатнинг тез ўзгарувчан ҳолатлари – эрта тонг, пешин, кеч, нам ҳаво, қуруқ ҳаво, булутли кун, қуёшли кун ва бошқалар ўзига хос ранг гаммасини талаб қилади. Куннинг турли вақтларида ва турлича об-ҳаво шароитида ишланган этюдлар бундай пайларда табиатнинг ёритилиш ҳолатидаги ўзгаришларга мувофиқ тарзда ўзининг умумий туси ва рангига кўра фарқланади.

Табиатнинг турлича ёритилганлик ҳолатларидаги фарқларни ўрганиш учун битта натуранинг ўзини булутли тунда об-ҳавода, қуёшли кунда, ёзда ва қишдаги кўринишларини кузатиш, тасвир-лаш фойдалидир. Манзарада умумий тус ва рангдаги уйғунлик, яхлитлик йўқлиги бир неча хил ранг-тус ҳолатларини бзага келтиради. Бундай асар табиат гўзаллигини ифодалай олмаганидек томошабин туйғуларига ҳам таъсир эта олмайди.





II Бўлим. Манзара чизиш бўйича амалий тавсиялар

1-§ Очик ҳавода манзара чизишнинг хусусиятлари

Очик ҳавода расм чизишнинг бошланишида оддийроқ сюжетни танлаган маъқулроқ. Масалан, ҳовлининг бир қисми, уй ёнидаги ёки девор олдидаги дарахт, кўприкли ариқча, характерлироқ кўчани бир қисми, дарвоза олди ва ҳоказо. Очик ҳавода этюд ишлаш бўйича бир мўлжал малака ҳосил қилгач, сўнг вазифасини секин-аста мураккаблаштириб бориш мумкин.

Одатда манзара ишлашнинг икки хил типи мавжуд:

Биринчиси; давомли, яъни тугатилган манзара.

Иккинчиси; қисқа муддатли бир сеансли этюдлар.

Узоқ муддатли манзаралар ишлашда фазони ишончли тасвирлаш об-ҳавони ҳолати, ёруғликнинг нозик қочириmlари ва манзара кўринишининг шакли-шамойили анча аниқликда иш-ланади. Узоқ муддатли давомли этюдларда натуранинг тўлиқ ифодалаш қобилияти ва дастлабки фикрни тўла-тўқис рангтасвир асарига айлантира олиш тарбияланади. Узоқ муддатли ишларни бир неча сеансда куннинг (бир пайти) ўша вақтида ҳавонинг бир хил ҳолатида ёзиш чизиш керак.

Яхлитликни ривожлантириш ва рангтасвирни куруқ ва камбағал бўлиб қолишдан қутулиш учун давомли тасвирлардан ташқари қисқа муддатли этюдлар бажариш зарур бўлади. Бу этюдлар манзарачи учун ўта зарурий босқич бўлиб, рассомнинг ўзига хос кундалик дафтариidir. Этюддаги энг аҳамиятли нарсa бу натура ҳақида жонли нигоҳ ва жонли тасаввурдир.

Очик ҳавода ишланар экан, табиатнинг тез ўзгарувчанлигини кузатиш мумкин: бўронли булут ва момақалдироқ, куёшнинг чиқиши, булутларнинг ҳайратли алмашилишлари ва рангдор ёритилишини

кузатиш мумкин. Бундай ўзгаришлар 5-10 минут ичидаёқ содир бўлади: кун ботиш бутунлай бошқа рангга киради, булутларни ҳам шакли бузилиб кетади. Бундай пайтда жуда тез ишлаш талаб этилади, бошланғич чизматасвирни тўлиқ бажариш ҳам шарт эмас ёки умумий ҳолда кист билан белгилаб олиш кифоя қилади. Сўнгра тезда зарурий тусдаги буёқларни танлаб йирик мазеклар билан ишлаш керак. Қисқа вақт ичида умумий ранг тусининг ҳолатини ҳосил қилиш ранглар гармониясини, планли боғланишларни юзага чиқариш зарур бўлади.

Бу ерда албатта яхлит кўриш зарур ва асосий объектларни таққослаш матода асосий ранг муносабатларни жойлаштириб олиш: осмон, ер, дарахтлар, сув ва ҳоказо. Агар, умумий тус ишончли олинса, ёруғлик кучи, ранг ва унинг тўқлиги (тўйин-ганлиги) натуравий нисбатларга мос бўлса, ҳар хил планларни муносабати тўғри илғаб олинган бўлса шуларни ўзи этюд-қоралама учун етарлидир. Яхлит кўришни билиш ва катта шакл нисбат-ларини топа олиш кўникмаси келажакда манзара ишлаш маҳоратини эгаллаш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Давомли этюд ишлаш жараёни ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Манзара кўринишини танлаб олингач, тасвир юзасида тайёр-гарлик чизмалари ишланади. Чизматасвир албатта, шубҳасиз, перспектив қурилиш ва турли манзара кўринишларини планли ва нисбатларини сақлаган ҳолда чизилади.

Манзаранинг чизиқли тасвирини тўғрилиги бошиданоқ ишнинг сифатини белгилайди. Мободо рангларни муваффақиятсиз қўйилсада, чизиқли тасвир этюднинг қимматини сақлаб туради. Машҳур итальян рассоми Тициан ўзининг ўқувчиларига такрорлар эдики: - “.., на соя-ёруғлар, на ранглар эмас, балки тасвирни тўғри чизилган шакл ва чизиқли тасвир гўзал қилади”.

Тажрибасиз рассомлар кўпинча бошиданоқ қўпол хатога йўл қўядилар, осмонни барча тавсифлари билан чизиб оладилар, сўнг ернинг тасвирига ўтадилар. Бундай қилиш ярамайди. Манзарада аввало асосий объектларнинг тўқлиги ва рангининг кучини тасвирлаш: осмон, ер, сув ва бошқа ва сўнгра босқичма-босқич этюдни тугаллаш ҳолатигача олиб бориш зарур.

Буёқлар билан ишлашдаш аввал натурага кўзни қисиб қараб, натуранинг энг ёруғ ва энг тўқ жойларини чамалаб олиш зарурдир. Айтайлик, энг ёруғ блик жой сувнинг чекка қирғоғида, энг тўқ жой эса-дарахтнинг шохлари дейлик. Бошқа барча тўқликларни шу икки бош нуктага нисбатан таққослаймиз. Бундай таққослашда ҳатто оғир

қора булутлар ҳам тўқлиги жиҳатидан албатта ердаги объектларга нисбатан енгил эканлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, фақат чуқур фикрлаб, предмет ва планларни тўқлиги ва рангдаги фарқларни аниқ тасаввур этиб олиб, сўнг ишга киришган маъқул.

Иш жараёнида манзаранинг умумий тўқлиги ва ранг ҳолатини ҳисобга олиш зарур. Куннинг турли вақтида ва ҳат хил об-ҳавода ёзилган этюдлар умумий туси жиҳатдан турлича бўлиши керак.

Шуни яхши англаб олишимиз керакки, предмет ва жисмларни очик ҳавода тасвирлашнинг асосий ўқув вазифалари турлича ёруғлик муҳитида, умумий ёритилганлиги турлича бўлган, сут-канинг турли вақтига, фаслга, об-ҳавонинг ўзгаришига боғлиқдир.

Айниқса, асосий ёруғлик манбаига нисбатан предмет ва объектларнинг рангли кўриниши кучли равишда ўзгариб кетади: эрталаб, кундузи, кечки пайт. Масалан, дарахт соясидаги натура билан баланд девор ёнидаги соядаги натуранинг, ўзининг соясининг рангига нисбатан бир хил бўлмаган ранг гаммасини ташкил қилади. Бир хил вақтда, барчаси яшил сояланади, баъзида осмон таъсирида кўкиш бўлиши мумкин.

Олдинги дарахтларнинг ранги нафақат ёрқинроқ ва иссиқроқ, шу билан бирга узокроқдаги дарахтлар тобора хиралашиб, совуқ соялар бўлиб боради ва ҳолангки, яшил-сарик ўрмонзор гори-зонзда, кўк рангдаги чизикқа айланади. Дарахтларнинг бундай ўзгариши маълумки, кўкиш рангга эга бўлган ҳавонинг биздан узоклашган сайин қуюқлашиб бориши эвазига рўй беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳаво перспективасининг бундай қонуниятини ҳар қандай манзарани тасвирлашда қўлланади деб ўйлаш тўғри эмас. Ёруғлик ҳолатининг об-ҳавонинг шундай вазиятини учратиш мумкинки, анчайин аниқроқ ва ёрқин ранглар туси ва ранги билан олдинги планда эмас, балки ўрта ёки ҳатто узок планларда бўлиши мумкин.

Шу ўринда манзараларда кўпинча учраб турадиган сувни тасвирлаш хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Тинч об-ҳавода сув қирғоқдаги барча нарсаларни аксидаги рангларни ёрқинлиги ва майинлиги, сувнинг устидаги ўзига нисбатан сустроқ бўлади. Аксининг ранги сувнинг рангига ва сув тўлқинлашига қараб ўзгаради. Тўқроқ предметлар аксида натурадагига нисбатан ёруғроқ, ёруғлари тўқроқ кўринади; предметларнинг чегаралари ноаниқроқ,

хиралашади, деталларнинг сони ҳам юқоридагига қараганда камайиб боради.

Сув юзаси доимо бликлар ва томчилар билан белгиланади, шунингдек, сувдан чиқиб турган ва унда сузиб турган предметлар кўринади. Ёруғ кунда сув одатда қирғоқдан ёруғроқ булутла кунда тўқроқ бўлади.

Натурада бир хил бир текис ранг бўлмайди, қайсики матода бир хил ранг билан қоплаб ҳам бўлмайди. Ҳар қайси ранг рангтасвирда ўзининг кўплаб рангли жилоларини кўрсатади.

Осмон бир қарашда тўлиқ тўқ рангда кўринади, лекин, осмонни горизонт билан бўлган қисмини бошимиз устидаги жой билан таққосланса, дарҳол рангларнинг бир хил эмаслигини пайқаймиз. Қуёшнинг ёруғида ранг анчайин ёрқин-жилоли нур тушган жойда, уфққа яқинлашган сари осмон ранги очлашади, иссиқлашади, горизонтни ўзида кучли туманда кўринади. Агар ёзда яхши майсазорга қаралса, яшил ранг турли-туман товланиш-ларини кўриш мумкин. Майсаларни бир хил яшил билан чизиб, тасвирлаб бўлмайди, худди осмонни кўк бўёқ билан ишлаб бўлмагани каби.

Бироқ, шуни унутмаслигик керакки, манзаранинг ранглари қанчалар ранг-баранг бўлмасин, ёруғлик нури, умумий тус унга таъсирини ўтказади, барча жисмларда барча бўёқлар унга бўйсундирилади.

Натурадан ҳар куни этюдлар бажариб бориш билан албатта рассом катта зафарларга эришиши мумкин.

2-§ Ижодий манзаралар чизиш

Манзара жанрида ишлашни кўпинча оддийгина оммабоп иш деб ҳисоблайдилар, рассомдан кучли малака талаб этмайдиган иш деб нотўғри фикрлайдилар. Ваҳоланки, аслида манзара рангтасвирида чуқур образли кўриниш яратиш бу осон эмас. Рассомга у чуқур ижодий қониқиш ҳосил қилувчи ҳисси ёт берувчи воситадир.

Манзара композицияси устида ишлаш энг қизиқарли эътибор тортувчи мотив танлашдан бошланади. Бу маънода эса энг аввало этюдлар бажаришда ёки манзара материали устида ишлаганда асосий вазифаларни белгилаб олиш ҳам муҳимдир.

Сўзсиз этюд ёзиш манзара картинаси устида ишлашга нисбатан албатта енгилроқдир. Бироқ этюдга нисбатан ҳам анча жиддий муносабатда бўлиб, теварак-атроф муҳит ҳақида тасаввурларини кенгайтириш ва унга касбий маҳоратни ошириш, мукаммаллаштириш воситаси сифатида қараш керак.

Машҳур манзарачи рассомларнинг ижоди бизни янги мотивлари билан ўзига тартади. Унда томошабин уста шахсининг аксини илғаб олади, унинг индивидуал (почерки) чизгиси, бу билан у ўзини ҳиссиёти, кайфияти эстетик ғалаёнларнинг, табиатнинг таъсирида гўзаллик таъсирида кўради.

Машҳур манзарачи рассомларнинг барча жиҳатларини ўзлаштириш уларга тўлиқ боғланиб қолиш, тақлид қилиш, бегона композицияларга суяниб қолиш ярамайди.

Табиатдаги гўзалликни кўра билиш кўникмаси, янгиликни идрок этиш бизнинг давримизга хос характерни топиш фазилатини кўплаб рассомлар ижодида кўриш мумкин.

Айрим ёш рассомлар композициядаги чизиқли ечимни ўрнига тўлиқ баҳо бермайдилар, улар асосий нарсa рангтасвирда бу колорни деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғри. Манзара рангтасвирда теппа тенг-чизиқли ечим, рангтасвир ва композиция зарур ҳисобланади.

Натурадаги энг қизиқарли мотив топиб олингандан сўнггина композицион изланишлар бошланади. Этюдни ўлчам, формати аниқланади.

Одатда тажрибали рассомлар тайёрлаб олинган форматдаги ҳолатда ишлаш вазифасини қўядилар. Бу ҳолатда чизувчининг атрофида бор бўлган табиат кўриниши мотивини жойлаштиришга тўғри келади.

Бошқа рассомлар эса фикрий-ғоявий изланишлар олиб боради, табиатни кузатар экан, кўриш нуқтасини ўзгартиради. Бунда рамка-кузаткичдан фойдаланилади. У зарурий (горизонтал, вертикал ёки яқин квауратга) формат топишга ёрдам берувчи. Шунга қараб материал асос (холет, қоғоз ёки картон), одатда, бу этюдга чиқишдан аввал тайёрлаб олинади. Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, ёрдамчи воситаларисиз ҳам, кўз чамаси билан зарурий манзарани қисмини танлаб олиш мумкин.

Этюд ишлаш жараёнида танланган мотивнинг композицияси, унинг тонал ва колорит ечими, натурадан чизилган тасвир билан таққосланилади ва бу ҳолда айрим камчиликлар чизиқли тасвирда, колоритда, контраст ва тонгдаги кучи, қайсики охирида манзаранинг ифодавийлиги ҳал қилади.

Манзара картина яратиш мўлжалланар экан натурадан чизиш билан рангтасвирчининг кузатганлари ва таассуротлари акс этади. Кўп манзарачилар шундай ишлайдилар. Баъзи бир рассомларгина уларга маълум бўлган ҳаёлий таассуротлар ва ранг билан ишлайдилар.

Натурадан ишлаш картина устида хийла оғир жарён ҳисобланади, бажарилган этюд эса картина учун ёрдамчи материал бўлиб хизмат қилади.

Картина устида ишлаш жараёнида картинанинг чизиқли ечими, тус ва рангдаги эскиз бажарилади. Рассом яна ва такрор натурага мурожаат этади, унда қўшимча табиатнинг образлилигини бойитувчи характерли штрихлар топади.

Замонавий манзарада эса инсон фаолиятининг натижаларини ифодалаш мумкин. Қайсики композицияга одам тасвирларини (фигурасини) киритиш билан манзара картина композицияси устида ишлаш шу даражагача давом этадики, қайсики чизиқли композиция натуран олинган этюд ёки хомаки расм асосида тусли ва рангли ечимини топгунга қадар. Бу вазиятда тугал ҳолда шундай аниқ вазифалар бажариладик, қайсики ҳар ҳолда қисман бўлса-да биринчи композицион эскизларда ечиб борилгандаги асосланиб.

Бу билан фаол ҳолда, барча асосли материаллар композицияга ва чизиқли расмга ва рангли қурилишига тузилади.

Иш жараёнида албатта контрваллар ва яхлитлик қонунига амал қилинишини ҳисобга олиш керак. Алоҳида унутмаслик керакки, тус ва ранг контрастлари, шакл ва ўлчам ва бошқа элементлардаги контрастлар ҳам тасвирий мотивга кирувчи.

Картина устида ишни тугаллаш босқичида рассом алоҳида вазифаларни бажаришга яъни қизиқиб кетиши мумкин. Алоҳида деталларнинг тус ва тонал муносабатларни беришда бу эса композицияни кўпол ва қуруқ бўлиб қолишига, кайфиятни ўзгариб кетишига олиб келади.

Шу боис композицияга яхлитлик қонуни призмаси орқали қараш ва композициянинг бўлакларга ажралиб кетишига йўл қўймаслик керак.

3-§ Машҳур манзарачи рассомлар ҳақида маълумот

Камил Коро **(1796-1875)**

Франция манзара рангтасвирида Камил Коронинг алоҳида ўрни бор. У моҳиятан барбизончилардан анча олдинда бўлган. Унинг ижоди анчайин ёрқин ифодаси билан лирик-по этик йўналиш олган.

Табиатнинг табиий-эмоционал қамровли образини яратишга ҳаракат қилган. Коро ўз манзараларида ўзининг ҳиссиёти ва кайфиятини ифода этган. У асарга ҳаётӣлик бағишловчи восита бу ёруғлик деб ҳисоблаган, тинч-паришонхотирликни, булутли кунларни нозик-кучсизликда тасвирлаш унинг манзараларида ижодининг энг гуллаган ва сўнгги даврларида ҳам аҳамиятли саналган.

Коронинг дастлабки Италияга саёҳати даврида чизилган манзараларининг гувоҳлик беришича, моддий олам, предметларнинг ҳажмлилиги, борлиқнинг мувозанатдалиги ранг муносабатларининг аниқлиги (тушунарлилиги), фазовийликнинг ифодаланиши билан ажралиб туради. Булар асосан олганда шаҳар манзараларимеъморий ёдгорликлар тасвиридир. Масалан, “Венецияда тонг” (1934 йил атрофида, Москва ДТСМ) асарида қуёш нури тиниқ-очик ҳавода кескин ажратиб чизилган оқ мармарли биноларни ёритиб туради. Одам фигуралари фазовийликни ҳис этишга ва шаҳарга жонланиш характери беришга хизмат қилади.

Йиллар ўтиши билан Коронинг манзараларида рангнинг хусусиятларидан фойдаланиш нозиклашиб, мураккаблашиб боради. У тарихий бино ва шаҳар манзараларидан рассомнинг руҳиятини очиб

берувчи табиат ва қишлоқ кўринишларини тасвирлашга ўтади. Коро бир ёки бир неча рангнинг кўплаб ҳар хил ранг кучини, ранг товланишларини, шу рангнинг валёр ҳолатини излайди, унинг манзараларида ҳаяжон ва тинч-ҳаётни ифода этиш учун дарахт барглари гўё шамолда тебранаётган шохлари ва новдаларини алоҳида шохчалари беҳуда чизилмайди: уларнинг барчаси яхлит йиғилган ҳолатини вужудга келтиради. Орзумандлик руҳияти, тинчлиги, ўй-ҳаёли унинг Таритатрофн, Фонтенбло ўрмони манзараларида тўлқинланган, кўтаринки руҳдаги инсон иштироки билан ҳис қилинади. Эрталабки туманда осмон фонида тиниқ шаффоф барглари гўё ғойиб бўлгандек, дарахтзорлар ичида аёлларни шох ташиётган ёки якка, ёлғиз ҳолда йўлда кетаётган ҳолда кўриш мумкин.

Табиатни чуқур лирик эмоционал идрок этиш “Аржатедаги кўнғироқхона” асарида (1858-1860 Москва ТСМ) эрта баҳор руҳиятини нозик ёқимли шаббода, булутларни ҳайдаб бораётган ҳолдаги тасвирда кўриш мумкин. Коронинг энг яхши манзаралари қаторига “Пичан ташиш” (1860 Москва ДТСМ) асари киритилади, унда ўта нозик ранг жилвалари билан нам атмосферани мовий рангдаги булутли осмон, ҳозиргина ёғиб ўтган ёмғирдан сўнгги кўлмаклар, даланинг узоқ кенгликлари энди қуёш ёғдуси билан ёритилган, пичан ташувчиларнинг ўз мўлжалидаги ҳаракатлари ифода этилади.

Баъзан рассом асарларида оғир, ғамгин ноталар ҳам янграб қолади ва одам фигураси ғазабланган табиатга қарши туради. “Шамолнинг кучайиши” (1865-1870 Москва ДТСМ). Лекин табиат кўпинча инсон билан гармоник бирликда ва инсонлар фигураси табиатни жонлантиради. “Монтедаги кўприк” (1868-1870 Париж, Лувр).

Коро нафақат ажойиб манзараларнигина эмас, балки кўплаб портретлар ҳам қолдирган. Уларда ўзининг ҳам фикрлари гуманистик анъаналарини давом эттирган. Бошланишдаги унинг портретлари чизилиши бўйича жуда каттиқ аниқликда, шакли бўйича жипс моделлашган ҳолда бўлган, кейинроқ улар руҳияти бўйича лирик ва ҳаётгўна айланган. Одатда бу тасвирлар ёқимтой қизлар, оддий ва очикқўнгил қизчалар ўқиш ва орзу қилиш ҳолда тасвирланган. Шундай картиналардан “Эмма Добинья грекча кийимда” (1869-1870, Нью Йорк, метрополитен, санъат институти), тозо (тиниқ) ва ёшлик харорати билан по этиклиги билан ўзига тортади. Бу асарларнинг

нозик корористик қурилиши, моделларнинг сипо қиёфасига ва лирик ифодасига жуда мос келади.

Александр Андреевич Иванов

(1806 - 1858)

Рус рассомларининг кўплаб авлодлари учун Александр Иванов ижоди маҳорат мактаби вазифасини ўтаган. А.Иванов 1830 йилда Бадиий Академияни тугатгач, йигирма саккиз йил вақт мобайнида Италияда яшаган. А.Ивановнинг машҳур “Новда”си “Исонинг халққа кўриниши” картинасига ишланган уч юздан ортиқ этюдлардан биридир. Иванов қарийб йигирма йил давомида яратилган катта картинаси - “Исонинг халққа кўриниши”га ишлаган этюдларини “тугалланган этюдлар” деб атайдди. Рассомнинг эътироф этишича, уларда ҳаётининг энг яхши дамлари муҳрланиб қолган. Рассомнинг манзара этюдларида табиатнинг лаҳзалик, ўткинчи ҳолатлари эмас, балки мангуликка дахлдорлик ҳоллари сезилади. Шунинг учун у кўпинча асрлар ўз муҳрини қолдирган нарсаларни - кўҳна дарахтлар, тоғлар ва тошларни тасвир жисми қилиб олади (“Тошлар” этюди). “Новда” этюдида А.Иванов услубига хос рангларнинг тиниқлиги, ранг гаммасининг нафислиги кўзга ташланади. Новда композиция маркази сифатида бошқа деталларнинг уйғунлигини таъминлаган – унда гўё борлиқ мавжудлигининг моҳияти, тирикликнинг мазмуни ифодаланади. Осмон, тоғ ва денгиз фонида тасвирланган новда ҳаётнинг бир қисми, унинг абадийлиги рамзига айланган.

Иванов 1840 – 1850 йиллар оралиғида “болалар билан тасвирланган манзаралар” туркумини яратди. Рассом уларда “инсониятнинг болалик даври”нинг мифологик образини акс эттиришга ҳаракат қилди.

Иван Константинович Айвазовский

(1817 - 1900)

Денгизнавислик жанрининг йрик номоёндаси рассом сифатида танилган Иван Айвазовский ўз ижодида асосан денгиз улуғворлиги ва гўзаллигини кўрсатишга интилди. Унинг қарийб 6 минг атрофидаги картинаси денгиз кўринишларини акс эттиришга бағишланган. “Тўққизинчи вал”, “Чесмен жанги”, “Наварра жанги” (1848), “Қора денгиз”, “Тўлқинлар орасида”, “Денгиз” каби картиналари шулар жумласидандир. И. К. Айвазовскийнинг денгиз тасвирига бағишланган картиналари фақат миқдор жиҳатидан эмас, бадий маҳоратнинг юксаклиги билан ҳам қимматлидир.

“Қора денгиз”, “Тўлқинлар орасида” картиналарида безовта денгиз ва булутлар билан қопланган осмоннинг - икки стихияли кучнинг кураши ўз ифодасини топган. Унинг 1850 йилда яратилган “Тўққизинчи вал” асарида инсон ва табиат кучлари орасидаги кураш акс эттирилган. Куёшнинг илк нурлари фонида тасвирланган манзарада тунги ҳалокатдан сўнг жон сақлаш учун охириги кучи қолгунча ҳаракат қилаётган, ҳаётдан умидини узмаган кишиларнинг кема мачтасига маҳкам ёпишиб олган ҳолатлари намоён бўлади. Картинада инсонлар композиция маркази сифатида тасвирланган. Очiq осмон ва чексиз-чегарасиз денгиз фонида тасвирланган кишиларнинг ҳаёт учун кураши томошабинда чуқур ҳамдардлик уйғотади. Гарчи картинада лаҳзалик ҳолат муҳраб қўйилган бўлса-да, уни томоша қила туриб кетма-кет бостириб келаётган денгиз тўлқинларининг ҳаракатини, шовқинини ҳис қилиш мумкин. “Тўққизинчи вал”да тасвирланган манзара драматик кескинлигига қарамай, кишида умидворлик кайфиятини туғдиради.

“Денгиз” картинасида денгиз соҳили, ўзларининг кундалик ташвишлари билан банд кишилар акс эттирилган. Картинада одатдагидек денгиз “бош қаҳрамон” – бу ерда инсоннинг тириклиги, тирикчилиги денгиз билан чамбарчас боғлиқлиги ўз аксини топган..

Иван Иванович Шишкин

(1832 - 1898)

И.И.Шишкин рус эпик манзара рассомлигининг йирик вакили, қаламсурат ва офортлар устаси ҳисобланади. Шишкин ижоди сайёр рассомлар манзара рангтасвирининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Ф.Васильев учун табиатнинг улуғвор-романтик, Саврасов учун эса нафис поэтик талқини хос бўлиб, Шишкин улардан фарқланади. Шишкинда бошқаларда кўрилмаган, яъни табиатни жисмни идрок этиш хусусияти кузатилади. У табиатдаги “гўзал” ва “нафис” кўринишларини топишга интилмайди. Шишкиннинг назарида, натурани кузатишдаги аниқлик ва танланган мотивнинг мазмундорлиги асар яратишнинг зарурий шартлари эди. Унинг асарларида кенг ва бепоён далалар, сирли ва улуғвор ўрмонлар тасвирини кўп учратамиз. “Қарағайзорда тонг” (1898), “Ўрмон олислари” (1884), “Дублар” (1884) ана шулар жумласидандир. У ўз асарларида ҳар бир деталнинг тугал кўринишда бўлишига интилади, ҳаётий ҳақиқатни, воқеликнинг тугал ва ҳаққоний манзарасини акс эттириш унинг учун биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Шунинг учун воқеликни чуқур кузатиб асарлар яратди. Шишкин Москвадаги билим юртида ўқиётганида яратган асарларидан бирига шундай деб ёзиб қўйган эди: “Рассом ва олим ўз ҳаётининг охирги дақиқасига қадар мукаммаллашиб боради”. Демак, меҳнатсеварлик ва изланувчанлик рассом асарларининг муваффақиятини таъминлайдиган энг муҳим омиллар эканлигига Шишкин жуда ёшлигидаёқ ишонч ҳосил қилган.

“Ўрмон олислари” картинасида ўрмон четидаги ялангликдан кўрилган манзара акс эттирилган. Ялангликда ўсган ёлғиз қарағай, буталар, ялангликнинг у ер-бу ерида кўриниб турган ҳарсанг тошлар – барчаси табиий, ҳаётда қандай бўлса, шундайлигича тасвирланган. Картинадаги барча деталлар бирлашиб, ҳали инсон ўзгартиришга улгурмаган табиий борлиқ ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилади (“Буғдойзор” картинасида бунинг аксини кузатамиз – кенг буғдойзордаги бир неча қарағай бу ерлар инсон ўзлаштирмасдан илгари ўрмон бўлганлигини кўрсатиб туради). Олдинги пландаги тупроқнинг қизғиш-жигарранг кўриниши ҳамда дарахтзорнинг қуюқ ранглардаги манзараси осмоннинг тумансимон кўриниши билан уйғунлашиб кетган, гўё чек-чегараси кўринмаётган ўрмон олисларга чўзилиб, уфқ билан бирлашиб кетгандек таассурот уйғотади. Шишкин манзарани гўзалроқ, силлиқроқ ёки атайин драматик кескинликда тасвирлашга интилмайди. У ўзи кўриб турган натурадаги мавжуд нарсаларни картинада ҳаётий, ҳаққоний акс эттиришга интилади.

“Қиш” картинасида Шишкин танлаган ракурс қиш манзарасига мос ранг-тус уйғунлигини ҳосил қилиш учун хизмат қилган. Олдинги пландаги нарсалар – йиқилган дарахтлар танаси, шох-шаббалар, пастак арчалар - ҳаммаси қор остида қолган. Ўрта пландаги дарахтлар фақат ярмигача тасвирланган, орқа планда бор бўйича кўриниб турган дарахтларнинг шохларида қор гўё музлаб, қотиб қолгандек. Бу ерда ҳам “Ўрмон олислари” картинасидаги каби манзаранинг табиийлиги, ҳаётлиги томошабин эътиборини жалб қилади.

“Дублар” - Шишкиннинг энг машҳур асарларидан бири. Картинадаги дублар улардан тахминан икки қадам берида туриб кузатаётган кишининг кўриш нуқтасидан тасвирланган. Шунга кўра, Шишкин танлаган ракурс дарахтларни бор бўйича қамраб олмайди. Одатда манзарачи рассомларнинг аксарият асарларида олдинги планда тасвирланган нарсаларнинг қуюқ рангдаги кўринишини ҳамда картинанинг қарийб ярмини эгаллайдиган очиқ осмон фонини кузатиш мумкин. Шишкин бу борада оригинал йўл тутди – унинг асарларида очиқ ва қуюқ ранглар картина бўйлаб деярли тенг тақсимланади. “Дублар” картинасида эса дарахт остидаги майсаларнинг қуёш нури таъсиридаги ёрқин ва очиқ рангдаги кўринишини кузатиш мумкин. Картинадаги нур ва сояларнинг нисбатан кескинлигига қарамай, манзарадаги ранглар уйғунлиги, ритмни сақланган.

Алексей Кондратьевич Саврасов

(1830 - 1897)

Рус миллий манзара рангтасвири асосчиларидан бири А.Саврасов Москвада яшаб ижод этган. У бутун ижоди давомида асосан баҳор манзарасини тасвирлашга интилди. Ўзининг энг машҳур асарларидан бири бўлган “Зағчалар учиб келди” (баъзан “Қора қарғалар учиб келди” деб ҳам аталади) асарини рассом қирқ бир ёшида яратган (1871 йил). Баҳор. Март ойининг ҳали қор эриб улгурмаган кунлари. Суратда инсон тасвирланмаган. Бироқ унда тасвирланган ҳамма нарса инсонга алоқадор – уйлар, табиатдаги барча нарсалар, осмон, қушлар, кенгликлар ҳаммаси инсон билан боғлиқ нималарнидир эслатади. Кишиларнинг турар жойлари ҳам худди оққайинлар ва зағчалар каби табиатнинг бир қисмидек, табиийдек кўринади. Картинадан ҳаво совуқлигини ҳис қилиш мумкин, бироқ бу

ўткинчи эканлиги, ҳадемай қор эриб, илиқ кунлар бошланиши сезилиб туради. Черковнинг тош деворларида, уйларнинг томларида қуёшнинг ёрқин нурлари жилоланади. Қор эриб, булутлар осонгина тарқалиб кетадигандек туюлади. Энди қиш ортига қайтмаслигига умид туғилади-ю, бу умид йўқолмайди. “Зағчалар учиб келди” картинаси аниқ ишланган этюд асосида яратилган. Саврасов ўз шогирдларига манзарадаги нарсаларнинг ҳаракатини, ҳатто овозини ҳис қилиш даражасида таъсирли тасвирлаш зарур, дея таълим беради. Унинг “Зағчалар учиб келди” картинасидаги манзара ҳам ана шундайтаъсирли тасвирланган. Уни томоша қила туриб кишида қушларнинг шовқинини эшитгандек таассурот туғилиши табиий.

Саврасовнинг кўплаб асарлари томошабинда кескин драматик кайфият уйғотади. “Қишлоқдаги уй. Баҳор”, “Тун”, “Ойдин кечада қишлоқ қабристонида” картиналари ана шундай асарлар сирасига киради.

Манзара Саврасов учун фақат табиат тасвиригина эмас, балки инсон ҳаётининг ажралмас бир қисми, инсон кечинмаларини ифода этишнинг воситаси ҳамдир. Саврасов ҳақида И.И.Левитан шундай ёзади: “Саврасов билан бирга манзара рангтасвирига лирика ва ўз она юртига чексиз меҳр-муҳаббат кириб келди”. Ҳақиқатан ҳам, Саврасов яратган асарларда рассом қалбининг энг теран кечинмалари мангуликка муҳрланиб қолган.

Архип Иванович Куинжи

(1842 - 1910)

Рус манзара рангтасвирининг янги қирраларини очган рассомлардан бири А.И.Куинжидир. Куинжи ўз асарларида она юртининг бепоён текисликларини, чексиз осмон, улуғвор ва сокин оқувчи дарёларини ёрқин бўёқларда акс эттирди. “Днепрда тун” (1880) асарида рассом қоронғу кечада булутлар орасидан хира нур сочиб турган ой кўринишини тасвирлайди. Қуюқ рангларда тасвирланган зимистон кечадаги ойнинг булутлар орасидаги кўриниши ва сувдаги шуъласи кишида қарама-қарши ҳиссиётлар уйғотади.

“Украинада оқшом” (1878) картинасидаги манзарада қуёш ботганидан кейинги табиат кўриниши – қизғиш шуълага чўмган борлиқ акс этган. Ҳозиргина уфқ ортига ботиб кетган қуёшнинг

сўнгги нурлари таъсирида осмон ҳали қоронғулашиб улгурмаган. А.Куинжи нарсалар тасвиридаги нур ва сояларнинг ўзаро муносабатига алоҳида эътибор қаратган. Шунингдек, рангларнинг картина бўйлаб текис тарқалиши орқали колоритни сақлашга, деталларни тўғри танлаш, жойлаштириш билан композицион мувозанатга эришган.

“Шимол” манзарасида осмон тасвири катта ўрин эгаллайдиган ракурс танланган – уфқ чизиғи картина марказидан пастроқда олинган. Картинада баландликдаги кўриш нуктасидан туриб кузатилган манзарада олдинги пландаги қоя устидаги дарахтлар, уларнинг ортида кичик дарё ўзани кўриниб турибди. Олисларга чўзилган кенгликлар кимсасиз ва совуқ шимол кайфиятига мос тушган. Осмоннинг юқори қисмидаги қуюқ ранглар уфққа яқинлашган сайин очикроқ ранглар билан алмашади – бу Куинжига шимол кенгликларининг бепоёнлигини акс эттириш имконини берган.

Куинжининг “Момақалдиروқдан сўнг” картинасида момақалдиروқдан кейинги лаҳзалик ҳолат муҳрланган. “Қайинзор” картинаси рангларнинг тиниқлиги ва нур-соялар ритмидаги ўзига хослик билан эътиборни жалб қилади.

Фёдор Васильевич Васильев
(1850 - 1873)

“Ҳамма жой банд қилингандек туюлади, - деб ёзган эди рус рассоми И.Н.Крамской, - аммо санъат чегара билмайди, янги бир нотаниш одам келади-да, ҳеч кимни безовта қилмасдан ўз ўрнини эгаллайди”. Албатта, бу фикрда жон бор. Лекин рус тасвирий санъатида Фёдор Васильев асарларининг пайдо бўлиши кўпларни, жумладан, аллақачон эпик пейзажнинг устаси сифатида танилиб улгурган И.Шишкинни ҳам ҳайратда қолдирди. И.Н.Крамскойнинг шогирди бўлган Ф.Васильев жуда қисқа умр кўрган бўлишига қарамай (у 23 ёшида вафот этган), ўз даври манзара рангтасвирида номини қолдира олган рассомлардандир. У махсус бадиий таълим олмаган бўлса-да, манзара санъатида яратган асарлари билан кўпчиликнинг эътиборини тортди. Ўн саккиз ёшидаёқ манзарачи рассом сифатида эътироф этилди. Рассом ўз асарларида ҳаётий ҳақиқат ва соддаликни сақлаган ҳолда романтик руҳни ҳам ифодалашга интилади. Ф.Васильев рус манзара рангтасвирига бўрон руҳи ва исён кайфиятини олиб кирган рассом деб ҳам таърифланади.

“Крим тоғларида” (1873) рассомнинг сўнгги асарларидан бўлиб, унда жануб табиатининг худди орзудаги каби улуғвор гўзаллиги ўз ифодасини топган. Санъатшунос В.Липатов бу асарни “Манзара рангтасвиридаги кашфиёт”¹ деб атайди. Асарда Ф.Васильевга хос безовталиқ руҳи акс этган. Крамской картинадаги аравани ортиқча деб ҳисоблайди, Васильев эса бу деталь орқали атрофдаги гўзаллик ва улуғворликка бефарқ, лоқайд бўлган оддий кундалиқ ҳаётни акс эттирмоқчи бўлган.

“Ёмғир олдидан” картинасини томоша қилатуриб безовталанган қушларнинг товушини, дарахтлар шитирини эшитгандек бўласиз. Манзарада тасвирланган нарсаларнинг барчаси гўё табиатдаги ҳадемай содир бўладиган ўзгаришни сезиб безовталанаётгандек туюлади.

Ф.Васильевнинг “Ўрмондаги ботқоқлик” асари тугалланмай қолган. Шундай бўлса-да, картинадаги ботқоқлик, дарахтлар ва нам майсаларнинг тасвири Ф.Васильевга хос етук ижодий маҳоратдан, ўзига хос услубдан дарак бериб туради.

Исаак Ильич Левитан

(1860 - 1906)

Рус миллий манзара рассомлигининг кейинги ривожига таниқли манзарачи рассом Исаак Ильич Левитан катта ҳисса қўшди. И.Левитан Саврасовнинг шогирди бўлиб, унинг илк ижодида Саврасовга хос лиризм сезилиб туради. У Саврасов, Васильев ва Поленовларнинг манзара жанридаги анъаналарини давом эттира бориб, бу жанрда яратилган асарлари орқали рус тасвирий санъатида ўзига хос услубга эга рассом сифатида ном қолдира олди. Левитан пейзажларида кўп ҳолларда “Левитанга хос кайфият” сезилади. Шу сабабли унинг асарларига нисбатан кўп ҳолларда “кайфият манзараси” деган ибора ишлатилади. Левитан асарларида табиат гўё инсоннинг кайфияти, қалб кечинмалари орқали идрок этилади. Унинг “Куз пайти. Сокольники”(1879) деб номланган асаридаёқ ана шу хусусият намоён бўлган эди. Левитан яратган манзаралар кишида гоҳ лирик ҳистуйғуларни, гоҳ мунгли, ачиниш кайфиятларини уйғотади, баъзан фалсафий мушоҳадага чорлайди.

Левитаннинг “Март” ва “Олтин куз”(иккаласи ҳам 1895 йилда яратилган) асарлари рус манзара рассомлигининг чўққиси

¹ Липатов В. Краски времени. М., 1983. С.195.

ҳисобланади. “Март” картинасидаги манзара ёрқин ранглар уйғунлиги билан ёдда қолади. Март баҳорнинг бошланишига мос тарзда танланган “илиқ” ранглар воситасида Левитан яқинлашиб келаётган илиқ кунлар нафасини ифодалай олган. Картинада ҳамма жойда қор кўриниб турса-да, энди қишдаги каби изғирин ва совуқ йўқлиги сезилиб туради. “Олтин куз” рассомнинг перспектива қоидаларини юксак даражада эгаллаганлини кўрсатиб туради. Картинада ҳамма нарса мутаносибликда тасвирланган – ранглар уйғунлиги, яъни колорит сақланган, композициядаги объектларнинг жойлашиши ҳам мувозанатга эга.

Левитан асарлари орасида инсон тақдири, ҳаётнинг маъноси ҳақида ўйлашга, фикр юритишга ундайдиган картиналар ҳам алоҳида ўрин тутаяди. Унинг машҳур “Владимирка” (1892), “Мангу уйқуда” (1894) картиналари ана шундай асарлар сирасига киради. “Мангу уйқуда” картинаси гўё абадият ва ўлим ҳақида баҳс этади. Картинада Левитанга хос “кайфият манзараси” яққол акс этган. Манзарадаги ҳар бир унсур рассом кайфиятини, ҳис-кечинмаларини ифодалашга қаратилган. Осмон қуюқ булутлар билан қопланган - бу ҳол кишида маънос кайфият уйғотади. Юқоридан қаралганда кўзга аранг ташланаётган қабрлар, бино ва дарахтлар бутун манзара фонида жуда кичик кўринади – бу эса инсон ҳаёти мангулик, абадият олдида лаҳза қадар арзимас ва ўткинчи эканлигига ишора қилаётгандек бўлади.

Левитан асарлари кейинги давр манзарачи рассомлари ижодига жуда катта таъсир кўрсатди.

Ўрол Тансиқбоев

1904 – 1972 йилларда яшаб ижод этган Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев машҳур манзарачи рассомлардандир. Ўзбекистоннинг такрорланмас гўзаллигига бағишланган асарлари ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, чет элларда ҳам маълум. Ў.Тансиқбоевнинг “Жонажон ўлка”, “Тоғ оқшоми” манзараси, “Каттакўрғон сув омбори”, “Иссиқкўл оқшоми”, “Тоғларда”, “Менинг қўшиғим” каби кўплаб машҳур асарлари мавжуддир.

Рассомга шуҳрат келтирган асарлардан бири “Қайрақум ГЭСи кўриниши” деб аталади.. бу асарда у юқоридан туриб кузатилган электростанция ва сув омбори лирик кайфиятда тасвирланган бўлиб, ундаги қурилишлар табиат билан уйғунлашиб кетган. Суврат марказидаги эрта тонгда зангори тусга кирган электростанцияси

тўғони чети кўринмас улкан денгизни маҳкам тутиб тургандек туюлади.

Асарни кузатган одам сахрога жон бағишловчи мўъжизакор манзаранинг сеҳрли оламига кириб қолади. Унда олисларга бўй чўзган мусаффо денгиз қаърига кўмилган шодлик ва нафосатга бой тонг ёришиб келаётганлигини қалбдан ҳис этади. Бу сувратда тасвирланган нарсалар жуда оддий, лекин сеҳрлидир. Чунки денгиз, осмон ва кенгликларнинг бепоёнлиги колоритнинг жозибадорлиги, майинлиги кишини ўзига тортади. Ў.Тансиқбоев 1958 йилда Брюсселдаги халқаро кўргазмада шу асари билан қатнашиб, халқаро кумуш медал билан тақдирланган.

Унинг етук асарларидан бири “Менинг кўшиғим” асари бўлиб, табиий ранглар жилоси бир-бирига уйғунлашиб кетган бу картинада биринчи планда гулларнинг қийғос очилган пайти тасвирланган, орқа планда эса узоқ тоғларнинг кўриниши акс эттирилган. Ундаги колорит асосан кўк-яшил ранг ҳисобига яратилган бўлиб, улуғвор тоғлар кўриниши билан мовий осмон ранги уйғунлашиб кетган. Рангларнинг ёрқинлиги кишида хуш кайфият уйғотади.

Ў.Тансиқбоевнинг уй-музейи Тошкент шаҳрида жойлашган.

Раҳим Аҳмедов

Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов ижодий фаолиятида ўспиринлигиданок атрофидагиларга хурматда, дўстона муносабатда бўлган. Катта бўлиб санъат йўлини танлади. У санъат тўғаракларига қатнашиб рассом Хикмат Раҳманов устозлигида рассомлик сир-асрорларини ўргана бошлади. 1937 йили Тошкентдаги Беньков номидаги Республика рассомчилиқ билим юртига ўқишга кирди. Билим юртида Б. Ҳамдами, П. Беньков Н.Т. Карахан каби устозлар қўлида таҳсил олди. Раҳим Аҳмедов олдин ўтган ҳозирги замон рассом асарларини кўраркан мен уларга таҳлид қилмасдан, ўзимни тасаввуримда ҳаётни қандай кўрсам, шундайлигича қоғозга тушураман дерди.

Карахан, Бенковларда таҳсил олиб юрганида Раҳим Аҳмедовда ҳам табиатга бўлган муносабати уни севиш, матога тушириш қизиқиши ортиб борди. Карахан айтганидек ҳар доим бир сўзида такрор айтар экан этюд ишланмасдан туриб ранг-тасвир яратиб бўлмайди дерди.

Манзара сирларини Карахан Баньковлардан ўргана бошлади. 1947 йилларда Ленинграддаги И.Е.Репин номидаги рассомчилик, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтига ўқишга кириб ўқиди. Институтни тугатгач рассомлик фаолиятини бошлади. У ижод қилиб Тошкентдаги рассомчилик санъат институтида кўпгина шогирдлар тайёрлади. Ҳозир улар республикамизни турли вилоятларида ижод қилиб келишмоқда. Ҳозирда Раҳим Аҳмедовни кўпгина асарлари хорижий мамлакат музейларида сақланмоқда.

Бунга бир қанча яратган манзарали асарлари мисол бўла олади. “Тоғ водийси” 1970 йил, “Оқ тошда қиш” 1975 йил, “Қиш” 1975 йил, “Қуёшли куз” 1976 йил, “Венеция” шаҳри кўриниши, “Куз ранглари” 1970 йил каби асарлардир.

Р.Аҳмедов чет эл сафарларида ҳам бир неча туркум асарлар яратиб келган. Унинг “Венеция оқшоми” шаҳар манзараси, “Рим кўринишлари” каби асарлари шулар жумласидандир. У ишлаган манзара асарлари ўзининг ёрқин ранглари билан ёдда қолади. Унинг картиналарида манзаранинг табиийлиги, рангларнинг уйғунлиги сақланади.


Алишер Мирзаев

Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев Тошкентда туғилган. Унинг манзарага оид асарлари чет элларда ҳам намойиш қилиб келинмоқда. А. Мирзаевнинг ижод намуналаридан “Анор дарахти”, “Тоғ дарёси соҳилида”, “Шаҳар манзараси”, “Болохонада” қишлоқ манзараси кўринишлари каби асарлардир. Унинг “Янги ва эски Тошкент” туркумидаги асарларида қадим ва навқирон шаҳарнинг кўриниши акс этган. Унда Тошкентнинг кўҳна Эски шаҳар билан замонавий бинолар аралашиб кетган қисми - Чорсу бозори кўриниши тасвирланган. Рассом шаҳарнинг тинимсиз ҳаракатдаги ҳаётидан бир лаҳзалик ҳолатни картинага муҳрлаб қўйган. А.Мирзаевнинг бу асари экспрессив-рамзий тарзда яратилган картиналардан ҳисобланади.

Неъмат Қўзибоев

Ўзбекистон халқ рассоми Неъмат Қўзибоев ҳам Тошкентда туғилган. Унинг кўплаб манзара жанридаги асарларидан “Тоғ манзараси”, “Бибихоним” кўриниши каби манзара асарларини санаб

Ўтиш мумкин. “Тоғ манзараси” асарида тоғ манзараси формат усулида тасвирланган бўлиб, яшил рангда берилган. Унда тоғда ўсадиган дарахтларнинг турлича кўринишини, баланд чўққилар сари сузиб юрган булутларни кузатишимиз мумкин. Неъмат Қўзибоевнинг яна бир манзарага оид асарида Бибиҳоним ансамбли кўриниши тасвирлаган. Бу асарида рассом Самарқанддаги Бибиҳоним масжидини вайрона ҳолатда тасвирлар экан, унинг узоқ йиллар давомида хароба ҳолида бўлса-да, маҳобатли эканлигини кўрсата олган. Рассомнинг бу асарида сюжетли-тематик картина жанри белгиларини ҳам кўришимиз мумкин. Тарихий ҳодисалар, йиллар, асрлар Бибиҳоним масжиди олдида гўё қаторлашиб ўтиб бораверади, бироқ Бибиҳоним масжиди ўз маҳобати ва улуғворлигини йўқотмай, олис ўтмишнинг тилсиз гувоҳи бўлиб тураверади. Картинада бинонинг маҳобатли – монументаль характерда тасвирланиши рассом танлаган мавзу ва ғояни ифодалаш мақсадига ҳам мувофиқ келган.




Ўрол Тансиқбоев "Иссиқ-кўл манзараси, 1951 йил




М.С. Сарян "Тоғ манзараси" 1952 й.




А. Мирзаев "Анор дарахти" 1978 йил



Р.Аҳмедов "Қуёшли куз" 1976 й




Ўрол Тансиқбоев "Жиззах тоғлари", 1967 йил




Рокуэлл Кент "Шимолий Гренландия", 1863 йил




Ч.Бекмиров "Куз", 1983 йил



И.Карахан "Куз", 1973 йил




**Неъмат Қўзибоев "Тоғ манзараси".
1983 йил**




Ф.А.Васильев "Ёмғирли кун" 1872 йил




А.И. Куинджи "Днепрда тун оқшоми" 1880 йил



П.Сезанн "Сент-Винтуар тоғи" 1900 й



А.К Саврасов "Қарғалар учиб келишди" 1871й




Н.В.Аказ "Ўрмондаги йўл". 1560 й




И.И.Шишкин "Буғдойзор" 1878 йил




А.К.Саврасов. қ.қ. Қоралама. 1871 йил



И.Айвазовскийю Тўққизинчи вал. 1850 йил




К.Моне. Живерндаги пичан ғарами. 1912 йил



Р.Чориев. Сурхондарё манзараси. 1973 йил



М.Аширматов. Косонсой манзараси. 2007 йил.




Ф.А.Василиев. Кучли  м гирдан с нг. 1874 йил



И.Шишкин. Дарахт к риниши.  алам қоралама. 1874 йил



Ф.А.Василев. Манзара. Қалам қоралма.
1879 йил



З.Исмоилшайхов. Баргларнинг тўкилиши.
1987 йил




И.В.Шишкин. Дуб дарахти. Қалам қоралама.
1883 йил



А.Турдалиев. Тоғ йўли. Қалам қоралама.
2007 йил.



Камил Каро. Вилдрандаги кўл. 1870 йил



А.Турдалиев. Ғова кўриниши. 2003 йил



Б.Я ҲамрохҒжаев
Ёз оқшоми 2006 йил.



П. Жалилов
Ток манзараси 1984 йил.

ХУЛОСА

Рассомлар манзара асарларида табиатни ўз борлигича реал ҳолатини тасвирлаш билан бирга унда алоҳида эътиборга молик, характерли кўринишларни танлаб оладилар, эътиборимиздагидек туюлган нарсаларни иккинчи даражада, асосийларни эса бўрттириб тасвирлаб, бадийлик ҳосил қиладилар. Рассом борлиқни шунчаки биладиган ва акс эттирадиган эмас, балки унга асосланиб, нималарнидир ўзи ўйлаб ҳам топади., тасаввур этади, тўқийди. Демак, манзара асарлари ўз мазмунида борлиқни акс эттирибгина қолмай, айти пайтда улар рассомнинг ғояларини ифодалайди, томошабин онгини бойитади. Манзара асарлари инсонлар руҳиятига таъсир этиб уларнинг маънавий оламини, билимини бойитади ва рассомларнинг эса ижодий тажрибасини кенгайтиради.

Тасвирий санъат ўқитувчисидан, албатта тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрлари билан таниш бўлмоғи, амалий ишлай олмоғи талаб этилади.

Биз ушбу услубий қўлланмада манзара жанри ва унинг усталари ҳақида имконимиз даражасида энг қисқа йўсинда маълумотлар бердик, холос. Шунингдек, манзара чизишнинг назарий асослари ва амалий тавсияларимизда рассом-педагог учун ўқитувчилик фаолиятида ўз устида ишлаганда, ижодий иш олиб борганда фойдаланади, деган умиддамиз. Махсус сиртқи таълим талабалари ва тасвирий санъат ўқитувчилари ҳам кенг фойдаланадилар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

1. Ранг гаммаси – тасвирдаги етакчи хусусиятни белгиловчи ранглар мажмуи.
2. Колорит – тасвирдаги барча ранг элементларининг ўзаро боғлиқлиги хусусияти, унинг ранг қурилиши.
3. Рефлекс – ёруғлик ёки ранг шуъласи (у бирор нарсага аторофидаги нарсалардан ёғдуланиб тушади).
4. Тус – ёруғлик миқдори, ранг туси маъносини англатади.
5. Пленер – очик ҳаво шароитида ишланган рангтасвир.
6. Ижодий - маълум ғоя ва мавзуга ижодий услубга бўйсунувчи муаммолар ҳажми иродасини ўзида мужассам этувчи тасвирий асар.
7. Бадиий – борлиқни, инсонни, унинг ҳаётидаги воқеаларни, кечинмаларни ўзаро ўхшатишни шакллантириш.
8. Асосий ранглар – табиатда мавжуд сарқ, қизил, ҳаво ранг.
9. Блик – нарсаларни энг ялтироқ, шаффоф жойи.
10. Образ – қиёфа, сиймо, ифода талқин.
11. Ранг – бирор нарсани ўзига хос бўёғи, туси.
12. Рассом – масаввир.
13. Этюд – ўрганиш, машқ қилиш, рассом томонидан бажарилган катта асарга дастлабки тасвир.
14. Композиция – (лотинча композито – сўзидан олинган бўлиб, тузиш, қуриш – бадиий асардаги образлар ва бадиий воситаларни муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиш ва уларни мувофиқлиги).

15. Композиция маркази – асарни мазмунини очиб, тасвирда намоён этиб турадиган қисм.
16. Бўёқ – рассомлар ва айрим шахслар томонидан рангтасвир асарлари яратилади ва бадиий безак ишларида ишлатиладиган махсус қоришма.
17. Жанр – санъат асарлари тури, баъзида ҳаёт лавҳаларини тасвирловчи асар демакдир.
18. Мазок – суртма мўйқаламда кескин ва узиб – узиб ишлаш, бунда асосан мўйқаламнинг қоғозда қолдирган излари кўзда тутилади.
19. Наброска – хомаки иш, қоралама ҳарактерли чизиқ ва штрихлар ёрдамида тез бажарилган чизиқли тасвир.
20. Перспектива – қисқариш демакдир. Ҳаво перспективаси табиатдаги ҳар – хил перспективалар. Масалан: йўл, темир йўлларнинг олис уфқда қисқарилиши.
21. Картина – тасвирий санъат асари.
22. Санъат – арабча атама бўлиб, ҳаётдаги нарса ва ходисаларни бадиий, образли тарзда акс эттирувчи маънавий маданиятни бир қисми.

Адабиётлар

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Т., “San’at”, 2001 й.

2. Абдурасулов С, Толипов Н Рангтасвир Т. 2005 й
3. Беда Г.В. Основы изобразительной грамоты. М., «Просвещение», 1989 г.
4. Беда Г.В. Живопись М. Просвещение 1986 г
5. Вольков Н.Н Цвет в живописи М 1965 г
6. Липатов В. Краски времени. М. «Молодая гвардия», 1983 г.
7. Набиев М Рангшунослик Т. Ўқитувчи 1995 й
8. Орипов Б.Н. Тасвирий санъат дарслари самарадорлигини ошириш омиллари Т.Ўқитувчи. 1978 й
9. Турдалиев А. Композиция (маърузалар матни) Н. НамДУ. 2001 й.
10. Шорохов Е.В Композиция (Учеб.для студентов х.т.ф. пед. институтов) М. Просвещение 1986 г.
11. Кузин В.С Изобразительное искусство и методика его преподавания в начальных классах М. Просвещение. 1984 г
12. Энциклопедический словарь юного художника М. Педагогика 1983 й
13. Ўзбекистон санъати. (1991-2001 йиллар) А.Ҳакимов ва бошқалар. Т “Шарқ” 2001 й
14. Ҳасанов Р Тасвирий санъат асослари. Т. Ғ.Ғулом нашриёти. 2009 й

Мундарижа

Кириш	
I-бўлим. Манзара чизишнинг назарий асослари	

- 1-§. Манзара жанри
- 2-§. Манзара чизиш жараёнидаперспектива
- 3-§. Манзарада композиция
- 4-§. Манзара чизиш жараёнида ранг хусусиятларидан фойдаланиш.

II -бўлим. Манзара чизиш бўйича амалий тавсиялар.

- 1-§. Ижодий манзаралар чизиш
- 2-§. Очиқ ҳавода манзара чизишнинг хусусиятлари
- 3-§. Машҳур манзарачи рассомлар ҳақида маълумотлар

Манзарага оид таянч иборалар

Хулоса

Адабиётлар